O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 16 март, № 51 (3850) Пайшанба

Тошкентдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Беларусь Республикаси Миллий кўргазмаси иш бошлади. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Беларусь Республикаси Савдо ва Ташқи ишлар вазирликлари ҳамда бошқа ташкилотлар уюштирган ушбу тадбирда "Белнефттехим", "Беллесбумпром", "Беллегпром" каби йирик компанияларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари иштирок этмоқда.

Беларуснинг ранг-баранг маҳсулотлари

Таъкидлаш жоизки, кўргазмада ушбу давлатнинг салоҳиятини муайян даражада белгиловчи ранг-баранг маҳсулотлар намойиш қилинмоқда.

Ушбу кўргазма очилишида Беларусь Республикаси савдо вазири ўринбосари И. Степаненко шундай деди: «Давлатлараро ўрнатилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик ижобий самарасини бермоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмаси 2002 йилда 28,6 млн. долларни, 2004 йилда 55,5 млн. долларни ёки 2005 йилнинг биринчи ярмида 62 млн. АҚШ долларини ташкил этгани ҳам бунга мисол бўла олади. Шу билан бирга, ҳар икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, кенгайтириш имкониятлари мавжуд ва умид қиламанки, ушбу кўргазма давомида бу мақсадга маълум даражада эришамиз».

18 мартга қадар давом этадиган ушбу тадбирда ҳар иккала мамлакат ишбилармонлари ҳамда турли соҳа мутасаддилари ўртасида ахборот алмашувлар, савдо-иқтисодий алоқалар бўйича музокаралар ўтказилиши режалаштирилган.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: кўргазма фаолиятидан лавҳалар.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 9 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 15 март.

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ҳамда мазкур музей ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган янги экспозициялар очилди. Унинг очилишида таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, ўқитувчилар, талабалар, жамоатчилик ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

СОҲИБҚИРОН ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Т.Мирзаев, академик Э.Ртвеладзе ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш, ислоҳотларни янада жадаллаштириш жараёни маънавий соҳадаги янгиланишлар билан ҳамоҳанг тарзда кечаётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1996 йилда Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил этилиши бу борадаги эзгу ишларнинг яна бир ёркин намунаси бўлди.

Музейнинг ўн йиллиги буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналари арафасида нишонланишида ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, нафақат юртимиз ўтмиши, балки жаҳон цивилизацияси тарихида бобокалонимиз ҳамда кўҳна маданият бешикларидан бири Қарши шаҳри алоҳида ўрин тутади.

Булар Темурийлар тарихи давлат музейида намойиш этилаётган экспозицияларда яққол ўз ифодасини топган. Шарқ меъморчилигининг темурийлар даврига хос ва айни пайтда замонавий услубларни уйғунлаштирган ушбу даргоҳ нафақат юртдошларимиз, балки нуфузли хорижлик меҳмонлар, сайёҳлар, олим ва тадқиқотчиларнинг севимли масканига айланган.

Музей дурдоналари Франция, Германия, Австралия, АҚШ каби кўплаб давлатларда ташкил этилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, Ватанимизнинг бой тарихи довруғини жаҳонга ёймоқда. Бугунги кунгача бир ярим миллион нафардан зиёд томошабин ташриф буюрган ушбу муаззам масканда турли анжуманлар, олимлар билан учрашувлар, кўргазмалар ташкил этиш яхши анъанага айланган. Музейнинг ўн йиллиги арафасида очилган ўнта кўргазма бунинг далилидир.

"Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи", "Шоҳрухия — қалъа шаҳар", "Амир Темур, Клавихо ва Самарқанд", "Соҳибқирон ва темурийлар даври — рассомлар нигоҳида" каби номлар билан аталган мазкур кўргазмалар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Ташриф арафасида

ТОТУВЛИКДА ЯШАЁТГАН ХАЛҚЛАР

Асрлар давомида Ўзбекистон ҳудудида кўплаб миллат ва элатлар вакиллари тинч-тотув, елкама-елка яшаб келмоқда. Республикадаги энг кўп сонли диаспоралардан бири — қозоқ миллати вакиллари. Мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликнинг асосий гарови бўлмиш миллатлараро бирдамлик ва ҳамжиҳатликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, бу ерда истиқомат қилаётган қозоқларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида 1989 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Қозоқ ахборот маркази ташкил этилиб, кейинчалик у Республика қозоқ маданияти маркази мақомини олди.

— Республикамизда айни пайтда қозоқ миллатига мансуб бир миллиондан зиёд одам истиқомат қилади, — дейди марказ директори Мейранкул Бакиров. — Улар асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида зич яшашади. 1992 йил мартида Ўзбекистон қозоқларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди ва Қозоқ ахборот маркази Республика қозоқ маданияти марказига айлантирилди. Ушбу марказ таркибига Қорақалпоғистон қозоқ маркази, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Тошкент ва Хоразмдаги вилоят қозоқ марказлари ва Тошкент шаҳридаги қозоқ маркази киради.

Марказнинг асосий вазифалари қозоқ маданияти ва анъаналарини ҳар томонлама ривожлантириш, аждодлар тарихини ўрганиш, турли соҳалардаги ёш иқтидор соҳибларини қидириб топиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдан иборат. Этнография музейи, фольклор ансамбли ҳамда аудивидеостудиянинг марказ ҳузурида ташкил этилиши ташкилот фаолиятининг бошқа йўналишларини очиб берди.

— Ўзбекистонда қозоқ тилида таълим олишнинг имкони борми?

— Республикада айни пайтда қозоқ тилида таълим берувчи беш юзга яқин мактаб бор. Ўзбекистон ҳукумати мазкур мактабларни зарур ўқув адабиётлари билан таъминлашга катта эътибор қаратмоқда. Қозоқ тилида олий ва касбий таълим бериш мақсадида Ўзбекистон миллий университети ҳамда Нукус давлат университетида, Навоий, Ангрен ва Гулистон педагогика институтларида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилган. Тошкент педагогика ва Мирзачўл қишлоқ хўжалиги коллежларида, Жиззах тиббиёт техникумида қозоқ тилида таълим бериш йўлга қўйилган.

— Ўзбекистонда яшаётган қозоқларнинг маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистонда бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистонда қозоқ театри, Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида мусиқали-драма театри ташкил этилган. Маданият марказлари ҳузурида миллий, фольклор, ёшлар ва эстрада ансамбллари фаолият кўрсатмоқда. Республика қозоқ маданияти маркази кўмагида 50дан зиёд ёзувчи, оқин ва журналистларнинг китоблари чоп этилди. Республика қозоқ маданияти маркази ва унинг бўлимлари фаолияти ОАВ, хусусан, қозоқ тилида чоп этилувчи «Нурли жол» газетаси, «Дидар» телекўрсатуви, республика радиоси орқали мунтазам равишда ёритилмоқда. Айни пайтда Қорақалпоғистон қозоқ маданияти маркази ҳам ўз нашрига эга.

— Ўзбекистонлик қозоқлар ўзларининг қайси юртдошлари билан фахрланадилар?

— Ўзбекистон Қаҳрамони шарафли номига Навоий вилоятидаги «Бирлик» ширкат хўжалиги бош чўпони Серикбай Сагатов ва Қорақалпоғистондаги «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги раиси Агитай Одилов сазовор бўлганлар. Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. 2004-2005 йиллар давомида қозоқ миллатининг 15 нафар вакили «Дўстлик» ордени, 28 киши «Шуҳрат», уч киши «Меҳнат шуҳрати», бир киши «Соғлом авлод учун» ва олти киши «Жасорат» медали билан тақдирланди.

— Маданият марказининг бугунги фаолиятидаги қайси йўналишларни алоҳида таъкидлашни истардингиз?

— Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шу жумладан, «Ўзбекистон — Қозоғистон» дўстлик жамияти, Марказий Осиё халқлари маданиятлари ассамблеяси билан айниқса, яқин ва самарали алоқа ўрнатганмиз. Улар билан ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, республикада Абай, Жамбул, Мухтор Ауэзов, Мухтор Шохонов, Собит Муқанов ва қозоқ миллий маданиятининг бошқа кўзга кўринган арбобларининг юбилейлари нишонланди. Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат вакиллари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилган, биргаликда турли учрашувлар, тадбирлар, концертлар ташкиллаштирилади.

Марказимиз вакиллари Жанубий Қозоғистон вилоятидаги Ўзбек миллий маданият маркази томонидан ҳар йили октябрь ойида ўтказиладиган анъанавий тил ва маданият байрамида иштирок этади. Биз, шунингдек, Жаҳон қозоқ маданияти марказлари уюшмаси томонидан ўтказиладиган илмий-амалий конференцияларда қатнашамиз.

Ўз маданиятини асраб-авайлаган ҳолда қозоқ марказлари кўп миллатли Ўзбекистонда маънавият ва маданиятнинг ривожига ҳамда халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Замира АЗИЗХОНОВА.
«Жаҳон» АА.

Шу кунларда Россия Федерацияси Федерал мажлиси Давлат думасининг МДҲ ишлари бўйича қўмитаси раиси А.Кокошин раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Россиялик парламентарийлар Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида бўлиб, қатор учрашувлар ўтказишди.

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Делегация таркибида Россиянинг Иваново, Ярослав ва Нижегород вилоятлари вакиллари бор. Улар Фарғона водийсидаги учрашувларда юртимиз вилоятлари билан савдо-сотиқни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, саноат, тиббиёт каби қатор соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

— Ўзбекистон ва Россия азалдан бир-бири билан қалин дўст, қардош мамлакатлар, — деди делегация раҳбари А.Кокошин. — Давлатларимизнинг ўзаро муносабатларни иттифоқчилик даражасига кўтаргани ҳамда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлгани ғоят муҳим қадам бўлди. Биз меҳнатсеварлиги ва меҳмондўстлиги билан машҳур ўзбек халқи билан доимо яқин, дўстона муносабат қуриб келганмиз.

Ўзбекистонда бугун барча соҳаларда улкан ўзгаришлар юз бераётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, саҳий тупроғингизда етиштирилган сархил мевалар Россияда жуда харидоргир. Фарғона водийси, айниқса, саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим соҳаларида катта салоҳиятга эга экан. Бу борада Россия билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман. Масалан, бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар барпо этиш мумкин. Ўлкангизда бундан буён россиялик сармоядорлар иштирокида тузилган корхоналар кўпаяверишига ишончим комил.

(ЎзА).

СИЁСИЙ ТАДБИР ТАРАДДУДИ

Истиқлол бизга мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини очиб берди. Сайлов қонунчилигидаги янгиланишлар ҳам халқ хоҳиш-иродасини ифодалашда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимизда ҳадемай ўтказиладиган тадбир ҳам фуқароларимизнинг сиёсий онги ва тафаккурида, дунёқарашида ижобий ўзгаришлар ясаши, табиий.

Давра суҳбати

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари, яъни ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Бу сайлов тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва маслаҳатчиларини сайлаш тўғрисида»ги Қонунлар асосида амалга оширилади.

Жорий йилнинг ўрталарида ўтказилиши кутилаётган бу тадбир мамлакатимиз фуқаролари ҳаётида катта сиёсий воқеага айланиши, шубҳасиз. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ташаббуси билан Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳалла гузарида ўтказилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловнинг ҳуқуқий асослари» мавзуидаги давра суҳбати ана шу масалага бағишланди. Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М. Ражабова бошқарган давра суҳбатида парламент Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), республика Бош прокуратураси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, республика Хотин-қизлар қўмитаси ходимлари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари раислари ҳамда бошқа қатор институт ва идораларнинг мутахассислари иштирок этдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси А. Саидов оқсоқоллар сайлови бениҳоя муҳим сиёсий тадбир эканлигини таъкидлаб, унга жиддий тайёргарлик кўриш лозимлигини, бу жараёнда фуқаролар фаоллиги ўта муҳимлигини, тараддуд босқичларида барча кучларни жипслаштириш зарурлигини айтди.

Давра суҳбати иштирокчилари муҳокама этилган масала бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Хуллас, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли)ни ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёнига доир бу дастлабки тадбир кўплаб масалаларга ойдинлик киритди.

Э. БОЛИЕВ.

САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

Хоразм вилояти ҳокимлигида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими И. Бобожонов олиб борди.

Йиғилишда халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари, туман ҳокимлари ва хотин-қизлар қўмиталари раислари қатнашди.

Йиғилиш иштирокчилари Олий Мажлис Сенати аъзоларининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари билан ҳамкорликдаги ишларини янада фаоллаштириш, Юртбошимизнинг Олий Мажлис Сенати бешинчи ялпи мажлисидаги нутқида қайд этган масалалар, парламент томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари, Сенат қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ҳақида фикр юритдилар.

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги муҳим вазифалар тўғрисида гапирилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси Содиқ Сафоев сўзга чиқди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқаро истеъмолчилар кунига бағишлаб «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2006» биринчи республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Танлов якунланди

«Зарафшон» киноконцерт залида ўтказилган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган.

Танловдан кўзланган мақсад — истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, мазкур қонун ижросини таъминлашдир. Хусусан, ички истеъмол бозорида сифатсиз, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи маҳсулотларнинг сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ёш авлоднинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни фаоллаштириш асосий муддаодир.

Танловда пойтахтимиздаги Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежи талабаси Муяссар Илҳомова энг иқтидорли ёш истеъмолчи деб топилди.

М. ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳалол одамнинг нафаси осмонни тозалайди
Халқ мақоли.

Шўрчи туманининг Совжирон қишлоғида Жума Давлатов деган одам яшайди.... Китобни ҳалиям кўзойнак тақмасдан ўқийди. Кунига ўн чақирим пиёда юради. Дунёнинг гапларидан бохабар. Ўзининг ҳаёт йўли ҳақида китоб ёзди. Гурунглашиб кўрсангиз, ҳаёт йўли чиндан ҳам китобга арзигулик эканига ишонасиз.

ЖУМА ДАВЛАТОВ — ПИРИ БАДАВЛАТ ИНСОН

* * *

Жума бобо салкам эллик йил туман молия бўлимида ишлаган. Бюджет бўлимининг бошлиғи бўлган.

Уйи билан ишхонасининг оралиғи тўрт ярим чақирим. Шу йўлдан қаҳрамонимиз эллик йил фақат пиёда қатнаган. Ва ўзининг айтишича, тахминан 105 минг километр пиёда юрган. Бу экватор чизиғи бўйлаб ерни икки ярим марта айланиб чиқиш дегани.

Бу гап билан биз шунча йил яшаб, соғлиғидан шикоят қилиб кўрмаган одамнинг касал бўлмайин десанг, кўп ухлама, семирма, ҳамиша ҳаракатда бўл деган ўгитини эслатмоқчимиз холос. Айни пайтда бобонинг ҳаёт йўли ўша 105 минг километрлик масофадагидан иборат эмаслигини ҳам таъкидламоқчимиз. Умрнинг моҳияти ёшда ё масофада ифодаланмас. Бекатларда сўзларинг, изларинг, нафасинг қолсин. Битта иш қилгинки, ўша ишингдан эртага мингта одам андоза олсин.

Андоза. Бобо бу сўзни оддийгина қилиб «намуна» деб тилга олади. Фалончиларга мен намуна бўлганман деб мақтанмайди. Лекин, не иш қилган бўлсам — бурчимни бажарганман. Нонимни ҳалоллаб емакни ўйлаганман. Курашганман. Ёлғон гап, эгри кўл, нафси оғзидан катталар билан курашганман, дейди.

Кураш.

Бюджет молиялаштирадиган бир ташкилотнинг бош ҳисобчиси молия бўлими бошлиғига таъзим қилиб кирди. Бизга тафтиш тайинлабсиз, тафтишга лекин шу, Жума бобони юбормайсиз, деди.

— Буйруқ чиққан, айни Жума бобо боради. Буйруқ бекор қилинмайди, — деди мудир.

— Тафтишчини унда уч кундан сўнг юборарсиз.

— Бугун юборавераман. Тафтишчиман деганнинг изини ўчирасиз-ку. Тажрибангиз бор, — деди мудир.

— Фақ-қат Жума бобога тишим ўтмас.

Ҳисобчи эшикдан чиқаётиб яна изига қайтди. — Агар-агар Жума бободан бошқасини юборсангиз, сизга майдагина «Жигули» совға қилардим. Мойи билан, — деди.

Мудир қовоғини уйди.

Ҳисобчи эҳтиёткор экан. Ўнгирини йиғиштирди. Битта эмас, бешта «Жигули» сотиб олишга етадиган камомат пулни жойига қўйди. Жума бобо унинг ишига «беш» баҳо бериб қайтди.

Бир қишлоқ фуқаролар йиғини раиси молия бўлимига ўпка-гина билан келди. Ана, қўшни туманда йиғин раисининг муовини, ҳисобчисининг учта ёрдамчиси бор экан. Давлатов бўлса худди чўнтагидан тўлаётганга ўхшаб бизга бор штатниям бермайди. «Штатимизни беринг. Бермасангиз, арз қиламиз. Давлатовнинг устидан ёзамиз», деди.

Давлатов раиснинг эътирозини эътиборсиз қолдирмади. Вақт топиб ўша қўшни тумандаги йиғиннинг штат рўйхатини ўрганди. Қараса-ки, қаватига қўша-қўша муовин ва ёрдамчи олган раислар юришипти, тишларини кавлаб.

Давлатов фикрларини далиллар билан михлади. Юқори идорага мурожаат қилди. Шундай қилиб штатбозлик ўйини фош қилиб ташланди.

Бу гал бешта эмас, юзта «Жигули»нинг пули бюджет фойдасига тежаб қолинди.

Каттакон раҳбар молия бўлимига топшириқ қилди. Ўзбошимча ҳисобчимизнинг ишларини варақлаб кўриб, бир патини ётқизиб берингглар, деди

Йўқ, ҳисобчининг эмас, ўша раҳбарнинг фаолияти ғовлаб кетган экан: кабинетдаги телевизорни, мебелни ой сайин алмаштиришлар. Хизмат машинаси учун бир йилда 40 та шина чиқим қилиш, ҳар олти ойда идора иморати таъмири ва ҳоказо.

Каттакон раҳбар Давлатовни ёмон кўриб қолди. «Мияси айниган чол»ни пенсияга кузатиш «ташаббуси»ни кўтариб чиқди. Қон босими ҳали юз ўттизга кўтарилмаган олтмиш етти яшар Давлатов шу гаплардан сўнг ҳам ўн йил гуриллатиб ишлади. У ишлаган даврларда тумандаги бюджет ташкилотлари ҳисобдону ҳисобдорларидан ҳеч қайсисининг бурни қонамади. Мактабгача тарбия даргоҳларидан тортиб шифохоналар таъминотида фаровонлик кузатилди. Тафтишлар, ариқилмиши олдида ҳолва экан, — деб гапга қўшилади даврадагилардан бири. — Масаланми. Ана, Кумқўрғон туман халқ таълими бўлимининг бир тўда шунқорлари 132 миллион сўмдан ортиқ пулни — ўқитувчиларнинг маошларини жиғилдонларидан ўтказиб юборишгани очилиб қолди. Яна денг, бировнинг ҳақини еган бўлсанг, энди жавобини бер, дейишса, бир ҳисобчи, «Нима, бировнинг ҳақини еган бир менманми?» деб жизза-килик қилармиш. Олтинсой туманидаям шунга ўхшаш ўйинларнинг чанги ҳали босилгани йўқ. Узоққа бормайлик, ўзимизнинг (Шўрчининг демоқчи) марказий шифохонасида яқинда ўтказилган тафтишдан сўнг кўпларнинг оёқлари қалтирай бошлабди. Бунга ўхшаган гаплар...

Катта-катта ўмаришларни бир киши ё икки киши эплай олмайди. Бели йўғон акалари туради панароқда ҳайбарака́лла қилиб...

Жума Давлатов кулади. Кеча телевизорда кўрган бокс томошаси тафсилотини завқ билан гапириб беришга тушади. Чамаси, ҳозир ўзи газетадан ўқиганларию ҳамсуҳбатидан эшитганларидан қўзғалгандай бўлган ҳаяжонлари устига дазмол босиш учун шундай қилади. Ва гапнинг орасида, тафтишу текширтекширлар эмас, одамни, жамиятни ҳам, фақат ҳалоллик яшнатади, дейди.

Хайрлашаётганимизда у ёнидаги одамдан, «Ринг қироллари» кўрсатувини сиз ҳам кўриб борасизми?» деб сўрайди.

— Ҳаёт саҳни ҳам рингга ўхшайди. Бу майдонда фақат кўли тоза одамлар ғолиб чиқадилар, — дейди. Гапига бир латифанамо ҳангомани илова қилиб, завқи тошиб кулиб юборади.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Орамиздаги одамлар

Қувасойнинг биллурдек ойналари

Қувасой нафақат Фарғона вилоятида, балки мамлакатимизда ҳам саноати ривожланган шаҳар сифатида олдинги ўринларни банд этиб туради. Айниқса, "АЛЭСТА-ГЛАСС" шўъба корхонаси шиша идишлар, ойна маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича турдош жамоалар орасида етакчиликни қўлдан бермай келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, корхонада тайёрланаётган 200 граммдан 3 литргача бўлган сиғимдаги шиша идишлар, етти турдаги биллурдек товланувчи ойналар мамлакатимиз ички бозорини тўлдирибгина қолмай, эндиликда уларга Ҳамдўстлик давлатларида ҳам талаб ортиб бормоқда.

СУРАТДА: шўъба корхона ишчиси Рухсора Эшонова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ГАЗЕТХОН
сўз сўрайди

Миннатдорчилик

Ғамхўрлик оғушида

Мен Питнак шаҳридаги Саидлар маҳалласида яшайман. Маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан кам таъминланган оилаларга ҳомийлар бириктириб қўйилган.

Бизнинг оилага Питнак шаҳар «Ватанпарвар» ташкилотида ишловчи Худойшукур Раҳмонов ғамхўрлик қилади. У ногирон қизимдан хабар олиб, моддий ва маънавий томондан мадад бўлмоқда.

Мен оилам, қизим ва ўз номимдан бу савобталаб инсонга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Юртимизда шундай қўли очиқ, меҳрибон одамлар кўпаяверсин.

Дурмомо МАТНИЁЗОВА.
Ҳазорасп тумани.

Эътироф

Мухлислар меҳри ошмоқда

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Спорт» телеканали ва «Машъал» радиоканали орқали берилаётган «Айтишув» жонли ижро намойиши биз, ёшларнинг севиб томоша қиладиган дастурига айланиб қолди.

Қаранг, бугунги ўзбек қўшиқ санъатида элимизга танилиб бораётган хушовоз хонандалар мазкур кўрсатув орқали ўз истеъдодларини беллашув, тортишув асносида намоён этмоқдалар. Биргина ана шу омил қўшиқ шинавандаларини ҳам, мумтоз ашулаларга илгари унча қизиқмаган ёшларни ҳам ўзига жалб этмоқда.

Теле ва радиоижодкорлар бундан буён ҳам муттасил изланиш натижасида халқимиз кўнглига мос келадиган ранг-баранг кўрсатувларни тақдим этаверсинлар. Зеро, ҳаво мавжлари ва ойнаи жаҳон ўсиб келаётган авлод тарбиясида беқиёс ўрин тутади.

Лолахон АҲМЕДОВА,
Абдукарим МЕҲМОНОВ,
талабалар.

Бир мавзуда икки мактуб

Суд қарори камми?

2004 йил сентябрь ойида «Андижонгаз» ХЧТК билан темир қувур етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган эдик.

Корхонамиз томонидан шартнома шартлари тўлиқ бажарилди. Шунга қарамай, иш ҳақимизни ололмадик. Охири 2006 йил январида Андижон вилояти хўжалик судига мурожаат қилдик. Суд бизнинг пулимизни ундириш юзасидан қарор чиқарди. Бироқ «Андижонгаз» ХЧТК бу қарорни бажариш тўғрисида ўйламаяпти.

А. МОЙДИНОВ,
Андижон шаҳридаги «Ойшабегим АТХ» корхонаси раҳбари.

* * *

Лафзга ишонгандим

Асли касбим шифокор. Нафақага чиққанимдан сўнг асаларичилик билан шуғуллана бошладим. Ишим дурустгина юришиб турганди.

Аммо 2004 йили қишлоғимиз яқинидаги «Неъматжон сув тозалаш иншооти» жамоасига 582 килограмм асал топширдим-у, ўзимга ўзим ташвиш орттирдим. Корхона раҳбарлари 989400 сўмнинг аввал 473300 сўмини, орадан бир йил ўтиб 387900 сўмини беришди-ю, қолганини «унутишди».

Мана, учинчи йилдирки, 127800 сўмимни ололмай, Наманган шаҳар «Сувоқава» корхонасига қарашли ушбу ташкилотга бўзчининг мокисидек қатнаяпман. Балки бу пул сув тозалаш иншооти мутасаддилар учун кўп эмасдир. Бироқ мисқоллаб бол йиққан одам учун у каттагина меҳнат маҳсули. Қолаверса, лафздан қайтиш, қарзни бермаслик азалдан иснод ҳисоблаб келинган-ку! Буни асални ялаб, ҳақини тўлашни чўзиб юрганлар билишмасмикин?..

Акбаржон АСҚАРОВ.
Наманган шаҳри.

Журналист суриштируви

Ишсиз ишдан қўяр

Навоий шаҳридаги "Телерадиохизмат" корхонаси 2001 йил 6 апрелда замона зайли билан давлат тасарруфидан чиқарилиб, масъулияти чекланган жамият (МЧЖ)га айлантирилди. Унинг харид баҳоси 20,4 миллион сўм қилиб белгиланди. Ушбу сумманинг ўн фоизини тўлагач, жамиятга мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилди. Айни чоғда, пулнинг қолган қисмини бир йил давомида тўлаши зарурлиги уқтирилди. Аммо, орадан икки ярим йилдан зиёдроқ муддат ўтса-да, жамоа аҳли қарзини узмади. Лоақал ўзи фойдаланиб келаётган кўчмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказмади.

Бу лоқайдликка вилоят прокуратураси бефарқ қарамади. 2003 йил ниҳоясида Давлат мулки қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси манфаатларини кўзлаб, хўжалик судига даъво-ариза битди. Суд "Телерадиохизмат" ҳисобидан бошқарма фойдасига 17,7 миллион сўм ундириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарди. Олти ойдан сўнг жавобгарнинг ҳисоб рақамида пул маблағи ва ундирувни қаратиш мумкин бўлган иккинчи навбатдаги мол-мулки йўқлиги, у тўловни ихтиёрий равишда амалга ошириш қобилиятига эга эмаслиги аниқлангач, суд ҳужжати мажбурий ижрога йўналтирилди. Шунга кўра, қарздорнинг телерадиоаппаратураларни таъмирлашга мўлжалланган тўрт қаватли иморати, олтита автомашина сиғадиган гаражи ва иссиқликни ҳисоблаш биноси рўйхатга олинди. Улар, Кўчмас мулк ва сармоялар агентлиги хулосасига асосан, 34 миллион 241 минг 950 сўмга баҳоланди. Сўнгра 2004 йил февраль ва апрель ойларида кўчмас мулк биржасининг вилоят филиали томонидан икки марта кимошди савдосига қўйилди. Савдони ўтказиш вақти, жойи, шакли, тартиби ва мулкларнинг бошланғич баҳосига доир маълумотлар расмий матбуот орқали ботбот реклама қилинди.

Афсус, барибир фойдаси бўлмади. Хароб ҳолдаги биноларга харидор топилмади. Ноилож қолган суд ижрочилари Давлат мулки бошқармасидан уларни қарз эвазига ўз балансига олишини сўради. Бошқарма эса "Телерадиохизмат" тўлайдиган пул бюджет маблағи бўлгани учун бу таклифга кўнмади. Алалоқибат, ижрочилар суд ҳужжатини ундирувчига ижросиз қайтариб, бу масала бўйича иш юритишни тамомладилар.

Куз арафасида ҳаммаси қайтадан бошланди. Хатланган мулклар учинчи марта аукционга чиқарилди. 30 сентябрда эса очиқ савдода ғолибликни қўлга киритган "Август-Сервис" ишлаб чиқариш корхонасига 37,8 миллион сўмга сотилди. Корхона суд ижрочиларининг шаҳар бўлинмаси ва кўчмас мулк биржасининг Навоий филиали билан уч томонлама имзоланган олди-сотди шартномаларига мувофиқ, тез орада кўчмас мулклар қийматини тўлиқ тўлади. Шу зайл, тўққиз ой деганда, суд қарорининг ижроси таъминланди. Кейин эса...

Кутилмаганда йўқ ердан ғавғо чиқди. Уч ярим йил мобайнида давлатдан қарзини узмаган, суд қарорига, кўчмас мулкларни хатлаш ва сотишга жиддий эътироз билдирмаган, кимошди савдосида қатнашмаган "Телерадиохизмат" масъуллари "Йиқилган қурашга тўймас" қабилида иш тутдилар. Аллақачоноқ қўлларидан кетган мулкларни янги эгасига топширишга бўйинлари ёр бермади. Қарабсизки, мол аччиғи жон аччиғига айланиб, икки ўртада ихтилоф туғилди. Таъбир жоиз бўлса, қисқа туташувдан чиққан учқун росмона аланга олди...

Охири бўлмади. Қарши тараф муросага келмади. Шундан сўнг "Август-Сервис" директори Бахтиёр Йўлдошев судга мурожаат қилиб, МЧЖни бинодан чиқаришни ва тасарруфига ўтган мулкларни давлат рўйхатига олишни сўради. Ўз ўрнида, "Телерадиохизмат" раҳбарияти ҳам бўш келмади: ётиб қолгунча отиб қолиш пайида бўлди. Шу мақсадда бир йўла ҳам Давлат мулки бошқармасини, ҳам вилоят кўчмас мулк биржасини, ҳам суд қарорларини ижро этиш департаментининг вилоят ҳудудий бўлимини судга бериб, гараж олди-сотдисига оид шартномани ҳақиқий эмас деб топиш талабини қўйди.

Эътироф этиш керак, вилоят хўжалик суди иккала ҳолатда ҳам масалага одилона ёндашди. "Август-Сервис" илтимосини қаноатлантириб, "Телерадиохизмат" даъволарини рад этди. Бироқ бу борадаги қарорларни низо тафсилотларини вилоят прокуратураси ва МЧЖ эътирозлари асосида ўрганган Олий хўжалик судининг кассация судлов ҳайъати бекор қилди. Ишни янгидан кўриш учун яна аввалги манзилга қайтарди. Унга қадар Бахтиёр Йўлдошев бир юмушга қўл урганди. Олдинги суд қарорлари қонуний кучга киргани ҳамоно ўз мулкига айланган иншоотлар сирасига кирувчи телерадиоаппаратураларни таъмирлаш биносини "Ҳарир-Навоий" хусусий корхонаси низом жамғармасига луғуш сифатида ўтказиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирганди.

Отдан тушса ҳам эгардан тушмаган "Телерадиохизмат" раҳбарияти бунга чидай олмади. Навбатдаги суд жараёнида қамровни кенгроқ олиб, аввалги даъво-аризасига қатор қўшимчалар киритди. Жумладан, ишга Давлат мулки бошқармаси, вилоят кўчмас мулк биржаси, суд департаментининг ҳудудий бўлимидан ташқари "Август-Сервис"ни, "Ҳарир-Навоий"ни ҳамда учинчи шахс сифатида Навоий шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматини ҳам жалб этиш зарурлигини кўрсатди. Кимошди савдосини, барча олди-сотди шартномасини, телерадиожиҳозларни таъмирлаш биносини "Ҳарир-Навоий"га топшириш далолатномасини, иморат ва ер участкасига эгалик ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ноқонунийлиги оқибатларини қўллашни, шунингдек, "Август-Сервис" билан "Ҳарир-Навоий"ни мажбурий тартибда низоли жойдан чиқаришни талаб қилди.

Томонларнинг даъволари бирбирига бевосита боғлиқ бўлгани учун суд бултур 14 июлда учала ишни бирлаштириб ҳал этишни маъқул кўрди. Баҳс-музокаралар чоғи МЧЖ раҳбари Бурҳон Раҳимовнинг ижро қарори нусхасини олмагани, кўчмас мулкларни хатлашда қатнашмагани, улар арзон нархлангани, аукцион савдосидан хабари бўлмагани ва бу тадбир ноқонуний ўтгани хусусидаги важлари тасдиқланмади. "Август-Сервис" ва "Ҳарир-Навоий"га дахлдор даъволар эса хўжалик суди судловига тааллуқли эмаслиги учун иш юритувидан тугатилди.

Алқисса, Бахтиёр Йўлдошев учинчи бор судда ютиб чиқди. Лекин унинг қувончи узоққа бормади. Негаки, ҳаял ўтмай, тағин эски ҳолат такрорланди. Вилоят прокуратураси бир вақтлар қонунни бузгани учун ўзи судга берган "Телерадиохизмат"га яна ён босди. Ҳолисликни таъминлаш мақсадида ишни апелляция тартибида кўриш бу сафар Самарқанд вилояти судига топширилди. Кейинги жараёнда ҳам Навоий вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарори тўғрилиги таъкидланди. Шундай эса-да, Самарқанд вилояти прокуратураси масъуллари навоийлик ҳамкасблари сингари иш юритдилар. Суд қарорларидан норози бўлиб, кассация протести келтирдилар.

Ниҳоят, жорий йил бошида Олий хўжалик судининг Иброҳим Алимов раислигидаги судлов ҳайъати иш бўйича тўпланган барча далил-ҳужжатларни синчковлик билан қайта ўрганиб чиқди. Зарурат туғилганда, баъзи муаммоларга аниқлик киритиш учун, Навоий шаҳрига бориб, сайёр суд мажлиси ўтказди. Пировардида прокуратура ва "Телерадиохизмат" эътирозлари асоссизлигини исботлаб, низо бўйича муқаддам қабул қилинган суд қарорларини ўзгаришсиз қолдирди. Охирги муҳокамаларда, Бахтиёрнинг илтимосига биноан, биз ҳам иштирок этиб, судлов ҳайъати холисона иш тутганининг гувоҳи бўлдик.

Бу — яхши, албатта! Фақат кишини бошқа бир нарса ажаблантиради. У ҳам бўлса, юқорида эслатганимиздек, "Телерадиохизмат" МЧЖ темирни қизиғида босиб, ўзига берилган имкониятдан унумли фойдаланмаган, жилла қурса, бинони эпақага келтирмаганди. Шунданми, уни сотиб олишга Бахтиёрдан бошқа одам журъат этмаганди. Шубҳасиз, буни вилоят прокуратурасидагилар яхши билишарди. Шунга қарамай, улар эзгу ниятли тадбиркорни қўллаб-қувватлаш ўрнига қонунга риоя қилмаган ва бирон-бир ишни қойиллатмаган МЧЖни зўр бериб ҳимоя қилишди. Оқибатда шундоққина кўзга ташланиб турган низо 2005 йил январидан то 2006 йил мартига қадар ўтган давр оралиғида бир-икки эмас, етти марта турли босқич судларида қайта-қайта кўрилди. Бунинг учун қанчаданқанча судьялар-у мутахассисларнинг, гувоҳлар-у ҳимоячиларнинг қимматли вақтлари зое кетди, даъвогар-у жавобгарнинг асаблари неча бор ҳуда-беҳуда чақнади.

— Мен, — дейди Бахтиёр Йўлдошев афсус билан, — иншоотларни хусусийлаштириш, таъмирлаш, жиҳозлаш ва қўшимча қурилишлар учун ҳозиргача 90 миллион сўмга яқин сармоя ишлатдим. Мақсадим — қисқа фурсатда савдо-сотиқни, ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш эди. Энди билсам, чучварани хом санаган, мулк эмас, ўз бошимга ўзим ташвиш сотиб олган эканман. Бир ярим йил сарсон-саргардон бўлдим. Навоий, Самарқанд ва Тошкент ўртасида бўзчининг мокисидек зир югурдим. Бор диққат-эътиборимни корхона фаолиятини ривожлантириш бир четда қолиб, судма-суд қатнашга сарфладим... Ишқилиб, бундан буёғи бахайр бўлсин!..

Бизнингча, тадбиркорнинг хавотири бежиз эмас. Ҳукуматимиз бизнес ва хусусий сектор вакилларига кенг имкониятлар яратиб бераётган бир пайтда уларни қўллаб-қувватлашга масъул идораларнинг айрим ходимлари ҳамон эски замондан қолган иллатлардан халос бўлолмаяптилар. Тадбиркорларга нисбатан муносабатларини тубдан ўзгартиролмаяптилар. Ҳолбуки, Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ўтган йил январида бўлган қўшма мажлисидаги маърузасида бу ҳақда алоҳида тўхталганди. "Тадбиркорлар фаолиятига ноҳолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўлиқ таъминлаш фурсати етди", деганди.

Қолганини ўзингиз тушуниб, коса тагидаги нимкосадан тегишли хулоса чиқариб олаверасиз, деган умиддамиз.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қўшалоқ тўй олдидан

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек информатика касб-ҳунар коллежида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиғига бағишланган тадбир ўтказилди.

Хабарингиз бор, саркарда бобомизнинг бу йилги таваллуд айёми унинг улкан салтанат барпо этишида муҳим аҳамият касб этган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи билан уйғун тарзда нишонланади. Мана шу қўшалоқ тўй олдидан Халқаро Амир Темур жамғармаси қатор тадбирларни амалга ошираётир. Коллежда ўтказилган тадбир ҳам жамғарма томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али коллеж ўқувчиларига бобоколонимизнинг ҳаёт йўли, ўз даврида илм-фан, санъат аҳлига катта эҳтиром кўрсатганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Коллеж ўқувчилари компьютер, электрон ҳисоблаш машиналари бўйича таълим олаётган бўлсалар-да, Амир Темур фаолияти ҳақида кўп нарсани билишларини намойиш этдилар.

Қобил ХИДИРОВ.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Кеча Россия ва Хитой вакиллари БМТ Хавфсизлик Кенгашида муҳокамага қўйилган резолюция лойиҳасини рад этди. Бу лойиҳа АҚШ, Буюк Британия ва Франция томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Маълумотларга кўра, ҳужжатда Эронга БМТ талабларини бажариш, яъни уранни бойитиш жараёнини тўхтатиш талабини бажариш учун 2 ҳафта муддат берилиши кўзда тутилган. Акс ҳолда, Эронга нисбатан турли жазо чоралари жорий этилади, дейилади "Рейтер" ахборот агентлиги хабарида.

СЎНГГИ СЎЗНИ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ АЙТАДИ

Ушбу резолюцияга қўшилмай турган Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари — Россия ва Хитой Эрон билан музокараларни дипломатик йўл билан давом эттириш талабини қўйишмоқда. Ҳозиргача олинган маълумотларга кўра, Хавфсизлик Кенгаши аъзолари бу борада бир қарорга келганича йўқ.

Бундан бир неча кун аввал Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)нинг Эрон ядро дастури бўйича йиғилиши масалани тўла ҳал этмаганди. Уч кун давом этган сессиядан сўнг, унинг қатнашчилари аниқ бир резолюция қабул қилмади, бироқ МАГАТЭ директори Муҳаммад ал-Барадеи маърузасини БМТ ХКга тақдим этишга келишиб олинди. Бундай қарор ҳозир турлича талқин қилинмоқда.

Масалан, Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавровнинг сўзларига қараганда, мазкур қарор Эрон ядро дастури масаласини кўриб чиқишни эмас, балки бу ҳақда ХК аъзоларини хабардор қилишни кўзда тутади, холос. Лавров бундай ёндашувни ва МАГАТЭ ҳалигача бирор-бир муаммони тўла ҳал қила олмаганлигини таннқид остига олди. Айни пайтда, АҚШ вакиллари бу воқеани Эронга нисбатан санкциялар қўллаш учун асос сифатида талқин қилмоқда. АҚШ маъмурияти Эроннинг ҳатто уран бўйича турли тадқиқотлар ўтказиш ҳуқуқини ҳам олишни истамаяпти. Йиғилишда Эрон вакиллари агар чекланган миқдорда тадқиқотлар ўтказиш ҳуқуқи берилса, уранни саноат мақсадларида бойитиш жараёнини 2 йилга тўхтатиш таклифи билан чиқишди. Аммо Оқ уй матбуот котиби Скотт Маклеллан бу ҳақда баёнот бериб, "Халқаро ҳамжамият томонидан Эронга нима қилиш лозимлиги тушунтирилди — уранни бойитиш бўйича барча фаолият тўхтатилиши керак", деди.

Эрон раҳбарияти МАГАТЭ қарорини одатдагидек қарши олди. Мамлакат диний етакчиси оятилло Ҳумайний Эрон раҳбарияти ва халқи "ҳар қандай босимга қарши тура олиши"ни таъкидлади.

Айни шу кунларда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эрон бўйича маърузани кўриб чиқишга киришган. Бу сана яқинлашган сайин томонлар ўз позициясини юмшата бошлади. Душанба куни кутилмаганда Эрон делегацияси Москвага ташриф буюрди ва уранни бойитиш бўйича қўшма корхона ташкил этиш масаласи юзасидан ёпиқ музокаралар бўлиб ўтди. "Интерфакс" агентлиги тарқатган маълумотларда айтилишича, музокараларда уранни бойитиш, хусусан, бу жараённи Эрон ҳудудида амалга ошириш масаласи, шунингдек, мазкур ишни Россияда барпо этиладиган қўшма корхона доирасида амалга ошириш таклифи муҳокама қилинган. Кузатувчилар фикрича, Москвада ўтказилган бу маслаҳатлашувлар муваффақиятли чиқишига умид қилиш мумкин. Бунгача Россия — Эрон ўртасида икки марта жиддий музокаралар бўлиб ўтганди. Euronews телеканали хабарига кўра, бу масалада Европа томони, жумладан, Буюк Британиянинг нуқтаи назари ҳам бироз ўзгарган. Ҳафта бошида Британия ташқи ишлар вазири Лондонда "Эрон масаласини ҳарбий усулда ҳал этиб бўлмайди", деб баёнот берган.

Умуман, муаммо шундаки, Эрон ўз ядро тадқиқотларини фақат энергия манбаларини яратиш мақсадида амалга ошираётганини таъкидлаб, бу ишни давом эттиришга ҳақи борлигини айтмоқда. АҚШ ва Европа мамлакатлари, БМТ ҳамда МАГАТЭ эса Эрондан ушбу жараённи тўхтатишни, тадқиқотлар фақат халқаро экспертлар назорати остида амалга оширилишини талаб қилишмоқда. Россия томонидан илгари сурилган таклифда Эрон билан биргаликда қўшма корхона ташкил этиш ва шу орқали тадқиқотлар ўтказиш кўзда тутилган. Қўшма Штатлар агар Эрон МАГАТЭ талабларини бажармаса, унга нисбатан жиддий чоралар, ҳатто, ҳарбий усуллар қўллашгача боришини маълум қилди. Бу эса, жуда кўплаб халқаро кузатувчилар, экспертлар таъкидлаганидек, минтақадаги барқарорликни издан чиқариши, қолаверса, жаҳон иқтисодиётида кескин салбий ўзгаришларга, бузилишларга сабаб бўлиши мумкин.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Талабалар ҳамон тинчланмаяпти

Парижда икки ҳафтадан буён давом этаётган талабаларнинг безориликлари ҳалигача тинчигани йўқ. Кеча шаҳарнинг Лотин даҳасида ўнлаб талабалар Сорбон университетига киришга яна уриниб кўришди, деб хабар беради "Ассошиэйтед Пресс". Мамлакатнинг энг машҳур олий ўқув юрти ҳозир тартибсизликлар туфайли ёпиб қўйилган. Тартибсизлик уюштираётган талабалар яқинда ҳукумат томонидан қабул қилинган "Биринчи меҳнат шартномаси" тўғрисидаги янги қонундан норози эканликларини айтишаяпти. Бу ҳужжатдаги янги қоидага асосан, 26 ёшгача бўлган ёш ходимлар иш берувчи томонидан бирор-бир изоҳсиз ишдан бўшатилиши мумкин.

Гаровдагилар озод бўлди

Сешанба куни кечқурун фаластинлик жангарилар 9 нафар гаровдаги шахснинг 6 нафарини қўйиб юборишди. Улар Иерихондаги қамоқхона Исроил ҳарбийлари томонидан эгаллаб олинишига норозилик сифатида гаровга олинганди. Ҳозирча икки нафар хорижий фуқаро гаровда бўлиб, уларнинг исми маълум қилинмаяпти, деб хабар беради "Рейтер" ахборот агентлиги. Аввалроқ Европа Иттифоқи вакиллари айтишларича, агар Фаластин жангарилари гаровга олиш амалиётини тўхтатишмаса, мухториятга берилаётган молиявий ёрдамлар бекор қилиниши мумкин.

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 20 январь №22-06.01-129-сонли иш бўйича 2006 йил 28 февралда қабул қилган қарорига мувофиқ қарздор Хоразм вилояти Хонқа шаҳарчасида жойлашган

«МЕВА» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

юридик манзили: Хоразм вилояти, Хонқа шаҳарчаси, Муллаёп к., 64-«А» уй, БАНКРОТ ДЕБ ТОПИЛДИ. Унга нисбатан банкротлик таомилининг тугатишга доир иш юритиш бошланди.

Хўжалик судининг ушбу қарорига мувофиқ тугатиш бошқарувчиси вазифасига Абдуллаев Султонмурод тайинланди.

Тугатиш бошқарувчиси кредиторлар талабларини қуйидаги манзилда қабул қилади: индекс — 220800, Хоразм вилояти, Хонқа шаҳарчаси, Халқлар дўстлиги кўчаси, 30-уй.

Кредиторлар талаблари, ушбу эълон чоп этилган кундан эътиборан бир ой ичида тақдим этилиши керак.

Ташаббус

Марказий Фарғона кенгликларининг қоқ ўртасида Мингбулоқ агросаноат касб-ҳунар коллежи бор. Унга Мўйиба Нуриддинова раҳбарлик қилади. Жамоа ўзларининг тиниб-тинчимас, жонсарак раҳбари билан ҳақли равишда фахрланса, ўқувчи ёшлар устоз муаллимдай бўлишга интиладилар.

ИСТИҚБОЛГА ИНТИЛГАН ЁШЛАР

Устоз ва шогирдлар баҳорни бежиз соғинганлари йўқ. Ўтган кўклам ўн гектарга буғдой, йигирма гектар майдонга чигит қадаб, деҳқончиликнинг сир-асрорларини ўрганишдан ташқари беш ярим миллион сўм соф даромад ҳам олдилар. Буғдой ҳосили йиғиштириб олингач, уч гектар ерга шоли уруғи сепиб, ботмонлаб донни омборга жойладилар. Обжувоздан чиқарилган гуруч ошпазлар ихтиёрига топширилиб, ётоқхонадагиларга бир маҳалдан бепул иссиқ овқат тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ўша фидойилар бу баҳорда ҳам чўнг хирмон яратишмоқчи.

Япония гранти ҳисобидан келтирилган иккита трактор, яна шунча ихчам трактор, ер текислагич каби қатор техника воситалари эгарланган отдай саф тортиб турибди. «TL-100» трактори ён-атрофдаги хўжаликларнинг саёзлашиб қолган сув йўлларини, зовурларни қазиб бериш ҳисобига 4,5 миллион сўмлик пуллик хизматни бажарган бўлса, ҳадемай улар ўзларининг ёш, навқирон ҳайдовчилари тасарруфига ўтиб, деҳқонлар оғирини енгил, мушкулини осон қилиш учун йўлга чиқади.

— Чўлимизга келмаган, ёшларимиз ҳузурида бўлмаган санъаткорлар қолмади ҳисоб, — тўлиб-тошиб гапиради Мўйиба Нуриддинова. — Ишлаб топган пулимизнинг бир қисми ўқувчиларимизнинг мириқиб дам олишларини таъминловчи маданий-маиший тадбирларга, уларни моддий-маънавий рағбатлантиришга йўналтирилмоқда. Яқинда 20 нафар ўқувчининг ҳар бирига 100 минг сўмдан мукофот бердик.

Раҳбарлик салоҳияти билан жамоани бошқариш маҳорати уйғунлашган ерда ўсиш бор, ўзгариш бор. Бир йил илгари Андижон шаҳридаги автомобиль йўллари қурилиши касб-ҳунар коллежида бўлганимизда у ердаги аҳволни кўриб ич-ичимиздан ачинган эдик. Аввало кўзда тутилган 350 ўқувчи ўрнига 229 нафар ўсмир қабул қилинганди. Кейинчалик, уларнинг 30-35 фоизи дарсларга қатнашмай қўйди. 38 нафар ўқувчи ўқишни бутунлай ташлаб кетди.

Коллеж раҳбарлари кетма-кет алмаштирилди. Бироқ аҳвол ўнгланмади. Ниҳоят ўтган йилнинг июлида Ғуломжон Тешабоев жамоага раҳбарликка тайинланди. У жамоада яхши маънавий муҳит яратишга эътиборни кучайтирди. Меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Ўсмирлар қалбидаги чўғни аланга олдирди.

— Коллежимиз ҳудудидаги ердан 12 миллион сўм соф фойда олдик, — дейди Ғуломжон. — Даромаднинг бир қисмига ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий обидалар харид қилдик. Ишчи ходимларни мукофотладик. «Шунқорлар» кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаб, Термизда ўтказиладиган республика биринчилиги мусобақаларига жиддий тайёргарлик кўраётган йигитларимиздан 40 нафарига бепул форма тиктириб бердик.

Республика сертификатлаштириш миллий тизимининг «Мувофиқлик сертификати»ни қўлга киритган жамоа яқинда вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси томонидан ташкил этилган мебель жиҳозлари танловида умумий қиймати 48 миллион сўмни ташкил этган иккита пакетни ютиб олди.

Жамоанинг жорий йилдаги режалари янада улкан. Улар 583 миллион сўм атрофида бюджетдан ташқари маблағ топишмоқчи. Бундан кам деганда 80 миллион соф фойда кўрилади, албатта.

Андижон шаҳридаги Баҳодиржон Абдумўминов бошқараётган молия-иқтисодиёт, Қодиржон Турсунов раҳбарлик қилаётган Шаҳрихон агросаноат, Қамбарали Ҳамрожонов етакчи бўлган Хонободдаги саноат касб-ҳунар коллежлари жамоалари ўз шогирдларини руҳлантириб, ғайрат-шижоат, катта ишонч билан нурли манзиллар томон етакламоқдалар. Ҳамиша жўшқинлик, бетакрор ёшликнинг ўтли нафаси уфуриб турган бу даргоҳларга кириб ўқиш истагида бўлган ёшлар сони йил сайин ортмоқда.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

MTS GSM — UZDUNROBITA first cellular

«УЗДУНРОБИТА» КОМПАНИЯСИДАН
БАҲОРГИ ТАКЛИФ!
SUPER
ЯНГИ ТАРИФ РЕЖАСИ!

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган

TURKISTON BANK
«ТУРКИСТОН» ХОАТИБ
ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ.
«Туркистон» банки — сизнинг ишончли ҳамкорингиз!

Шаҳар марказида жойлашган
«ФЕСТИВАЛЬ» РЕСТОРАНИ
қуйидаги тадбирларни ўтказиш учун буюртмалар қабул қилади:
* никоҳ кечалари;
* наҳорги ош;
* банкетлар;
* комплекс тушликлар.
Пул тўлаш — сиз истаган шаклда.
Тошкент ш., Ўзбекистон к., 98-«А»уй.
Тел.: 144-26-22, 395-81-23.
Мўлжал: Киночилар уйи.

BELARUS
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий вакили орқали
МТЗ ТРАКТОРЛАРИ, МИНИ ТЕХНИКА
ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал: Бобур парки).
Тел.: 151-20-33, 151-20-90, факс: 152-73-81.
Сайт: www.uzkam.com e-mail: info@uzkam.com

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ сотади:
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Телефонлари: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-34-21.
АККУМУЛЯТОРЛАР
WESTA
Шиналар буюртма бўйича 30-38 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шохкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Дангара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
ўз маҳсулоти бўлган «МАЗ» русумли оғир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникалар (автокранлар, автоэкскаваторлар, автобетонқорғичлар...)ни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.
Барча автотехникалар учун кафолат берилади.
Лизингга ҳам!
Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.
Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru
Товар сертификатланган.

RW TÜV и Nigel Bauer & Associates (UK)
приглашают принять участие в учебном курсе
"Ведущий аудитор системы менеджмента качества по ISO 9001"
Курс зарегистрирован в Международном регистре сертифицированных аудиторов (IRCA).
Дата проведения курса — с 27 по 31 марта.
Тел.: 152-76-71, 152-18-93.
E-mail: rwtuv@bk,ru
www.sert-management.uz
По результатам обучения участникам выдается сертификат международного образца Nigel Bauer & Associates (IRCA).
TÜV NORD

Тошкент шаҳар Сиғали туманида жойлашган «Мевасабзавотмарказсервис» МЧЖ номига берилган №1481966198 сонли ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Спорт

Айрим мамлакатларда ўқувчи ва талаба ёшларнинг турли спорт мусобақалари мавжуд, аммо уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишнинг уч босқичли узлуксиз тизими ҳеч бир давлатда кузатилмаган. Бундай ҳаракатга илк бор Ўзбекистонда асос солинди ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бундан бир неча йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан яратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим тизимининг узлуксизлик талабларига уйғунлашган уч босқичли оммавий спорт ҳаракати — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобақалари бугун бутун дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Қашқадарё спорт байрами арафасида

Бунинг тасдиғи сифатида ўтган йили Чирчиқда ўтказилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчиларининг "Баркамол авлод" спорт ўйинларини айтиш мумкин. Ушбу мусобақалар интернет-сайтида Россия, Исроил, Австралия, Германия, Қозоғистон, Туркия, Озарбойжон, Миср, Украина, Франция, Чехия ва Жанубий Корея мамлакатлари фуқаролари фойдаланишмоқда. Мазкур тизимдан кўзланган асосий мақсад ёшларимизни узлуксиз спортга жалб этиш, улар саломатлигини таъминлашдан иборат.

— "Умид ниҳоллари" ўйинларининг республика босқичи бу йил Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтади. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тўлиқ қамраб оладиган бундай нуфузли мусобақанинг Республика босқичлари 2002 йил Фарғонада, 2003 йил Хоразмда зўр муваффақият билан ташкиллаштирилганди.

— Май ойида Қашқадарёда ўтиши режалаштирилаётган бу сафарги мусобақани ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтказиш учун ташкилий қўмита ва вилоят ҳокимлиги томонидан жиддий ҳозирлик кўрилаётир,— дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла Ачилов. — Яқинда фойдаланишга топширилган Қарши Олимпия заҳиралари коллежида "Умид ниҳоллари" мусобақасини ўтказиш штаби ташкил этилди. Ташкилий қўмита томонидан кундалик бажарилаётган ишлар мунтазам таҳлил қилиб борилаётир. Мусобақанинг республика босқичида ёшлар мини-футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, сузиш, енгил атлетика, шахмат, бадиий гимнастика, стол тенниси, миллий ва белбоғли кураш каби жами ўн битта спорт тури бўйича ўзаро беллашадилар.

Спорт байрами муносабати билан бу ерда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозир шаҳарнинг қаерига борманг, бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Жами 32 та объектда қурилиш ишлари олиб борилаяпти. Шулардан 14 таси спорт мажмуалари, 10 та ётоқхона ва 8 та ошхонада таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Иншоотларнинг асосий қисмида қурилиш ишлари якуний паллада. 20 минг томошабинга мўлжалланган, спорт ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросими ўтказиладиган стадионда ҳам таъмирлаш ишлари жадаллик билан давом эттирилаётир.

"Умид ниҳоллари" дастуридаги мусобақаларнинг асосий қисми Қарши Олимпия заҳиралари коллежида бўлиб ўтиши кўзда тутилган. Бу ерда иккита спорт зали, ёпиқ сузиш ҳавзаси мавжуд. Қисқача айтганда, мусобақа муносабати билан вилоятда кўплаб замонавий спорт мажмуалари қад ростламоқда.

Дастурдаги стол тенниси мусобақаси Қарши ахборот технологиялари коллежида, баскетбол (ўғил болалар) Қарши Нуристон академик лицейида, бадиий гимнастика, қўл тўпи (қизлар), сузиш, белбоғли ва миллий кураш Қарши Олимпия заҳиралари коллежида, қўл тўпи (ўғил болалар) Қарши муҳандис иқтисодиёт институтида, баскетбол (қизлар) Қарши банк коллежида, шахмат, волейбол (қизлар), Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицейда, волейбол (ўғил болалар) "Насаф" стадионида, мини-футбол "Динамо" ва "Насаф" стадионларида бўлиб ўтади.

Спорт байрамининг республика босқичига жойларда қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Мактаб, туман ва шаҳар босқичларида муваффақиятли қатнашган минг-минглаб ўқувчилар орасидан вилоят терма жамоалари шакллантирилмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Осиё чемпионатидан бешта медаль

Сингапурда сузиш бўйича якунланган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

100 метрга эркин усулда сузишда Данил Бугаков, Сергей Цой, Пётр Васильев ва Равиль Начаев тўртлиги маррага иккинчи бўлиб етиб келиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Шунингдек, Данил Бугаков 50 метрга эркин, Равиль Начаев 100 метрга баттерфляй усулда сузиш бўйича бронза медалларига эгалик қилишди. Яна икки нафар вакилимиз — Сергей Паньков 200 метрга чалқанча усулда сузиш бўйича, Олег Ляшко 50 метрга баттерфляй усулда сузишда бронза медаллари совриндорлари бўлишди.

Ҳамюртларимизни 2000 йилдаги чемпионатдаги иштироки билан таққослайдиган бўлсак, анча ўсиш бор. Ўшанда вакилларимиз бор-йўғи битта бронза медали билан кифояланишганди.

Ҳозир ўзбекистонлик сузувчилар апрель ойи бошида Хитойда ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўришаётир.

Туш

ШУКРУЛЛО

Тушларимга кирар марҳум дўстларим,
Гоҳо ортда қолар ишқ тўла оқшом.
Дўстлар билан ўтган тунги базмлар,
Қўшиқдек янграган шароб тўла жом.

Уйга сиғмас эдик учрашган дамлар,
Сийраклашдик энди тушган тишимдек.
Қани дўстим Шуҳрат, Мустай дардкашлар,
Йиллар ўтар экан кўрган тушингдек.

Оқшомда хаёлчан сайр этган Шуҳрат,
Тушларимга гоҳо киради Расул.
Бир дам бу дунёдан бошланса ҳасрат,
Мустай муҳаббатдан бошлайди ҳазил.

На ёлғон, на кибр, на шуҳрат дарди,
Орзу-армонимиз бирдек ҳамоҳанг.
Бир қўлида шеър-у, бир қўлда қадаҳ,
Расул кўринади отмасидан тонг.

Дийдор кўришмакка яхши ҳам бор туш,
Кошки эди бўлса ҳар куни такрор.

Боқий бўлмас экан ҳеч нарса, афсус.
Тўйиб ёзолмайсан тушда ҳам хумор.

Чегим тоғларида қор бўралармиш,
Бўронга бас келиб шеър ўқир Қайсин.
Фарёди тутундек кўкка ўрларкмиш,
Топиб бўлмас эди дардига таскин.

Ёмғирга айланди қор бўронлари,
Сачраган томчидан келдим хушимга.
Қани, Сиз сирдошлар, қани дўстларим,
Наҳот, дардлашмоқлик қолса тушимда!..

* * *

Боғларнинг ортига беркинар қуёш,
О, нақадар оғир узмоқлик кўнгил.
Нима бор умрга умрбод йўлдош,
Ортидан термулиб бошин эгди гул.

Ҳаёт манзараси, дўстим, мана шу.
Куласан, йиғлайсан, айрилиқ, фироқ.
Ҳали қуёш бугун ботгунча йўқ-ку,
Ғанимат фурсатдир гулларга боқмоқ.

* * *

Сен мени соғинсанг, дарахтларга боқ,
Елпинган ҳар япроқ менинг хатларим.
Уларга тил берган япроқмас, мутлоқ,
Меҳр қўй, у менинг севинч, дардларим.

... ЮКИНГИЗ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

Одамзот ҳамиша эътиборга ва меҳрга ташна. Ана шу икки нарса туфайли ҳар қандай қийинчилик ва муш-кулликлар чекинади. Халқимизнинг азалий анъаналари, дили, тили ва руҳига асосланган миллий истиқлол мафкураси истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ушбу вазифани бажариб келмоқда.

"Бугун биз адолатли, инсонпарвар жамият қураётган эканмиз, аввало, одамларимизнинг қилаётган ишларига, меҳнатига ҳурмат билан қараш, қадрлаш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш сиёсатимизнинг пойдевори бўлиши шарт. Чунки одам бу дунёда ўзининг керакли эканини англаб яшаса, қилган эзгу ишларининг беиз кетмаслигига ишонч ҳосил этса, ўзига муносиб иззат-икром кўрса, бундай муносабат меҳнатчиларнинг эл-юрт, жамият олдида фарзандлик бурчини бажаришида ўз самарасини бериши муқаррардир",

деб таъкидлаган эди Юртбошимиз 1996 йил 6 декабрда Давлат мукофотларини топшириш маросимида сўзлаган нутқида.

Биз мустақилликнинг ўн бешинчи йилида яшаяпмиз. Ўтган давр мобайнида амалга оширилган барча ислоҳотлар, аввало, инсонлар

Шукрона

учун хизмат қилди. Ҳаётимиз ва турмушимизда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Инсонлик шаънимиз ва қадр-қимматимизни англаб, Ватанга, киндик қонимиз тўкилган юртга меҳримиз ортди. Аста-секинлик билан бўлсада, истибдоддан қутулиб, озод ва эркин халққа айлана бордик. Аввалги йилларда жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқлари ва халқимиз тарихий илдизларидан ажралиб қолган таълим тизимимиз тубдан ислоҳ қилинди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонун дунё фани ҳамда маданиятининг энг яхши ютуқлари билан бемалол беллаша оладиган янги авлодни тарбиялаб, вояга етказишга йўналтирилган. Буларнинг барчаси Амир Темур бобомизнинг "Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир", — деган васиятига риоя қилган Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 10 февралида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузада ҳам инсон омилига алоҳида эътибор қаратилди. Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига кредит ажратишни кескин кўпайтириш бунинг яққол исботидир. Мебель, телевизор, холодильник, кир ювиш машиналари ва бошқа электрон техникани кредитга сотиб олиш аҳолининг турмуш шароитини яхшилаши турган гап.

— Ҳозирча қишлоқ ҳаёти шаҳардагидан бирмунча фарқ қилади, — дейди меҳнат фахрийси Кимёхон ая. — Масалага шу нуқтаи-назардан ёндошадиган бўлсак, қишлоқ аҳолисига кредит беришни кўпайтириш аёлнинг оғирини енгиллатиб, унинг фарзандлар тарбияси билан шуғулланиши ва қолаверса ўзига ҳам диққат-эътибор ажратиши учун ёрдамлашади. Масалан, кир ювиш машинасини олайлик, у аёлнинг ҳам вақтини тежайди, ҳам ортиқча ҳориб қолишига йўл қўймайди. Энг муҳими, бериладиган кредит оила бюджетини ўрни-ўрнида сарфланишини таъминлайди.

Ҳа, ҳозирги ёш оилалар шукр қилиб яшаса арзийди. Бизнинг давримизда кредитга бериладиган буюмнинг ўзи бўлмаган. Ярим тунда даладан қайтгач, 10-фонарь ёруғида ўчоқда ошовқат пиширардик. Қуёш чиқмасдан бурун тоғорадан ошиб кетган хамирдан зувала ясаб, нон ёпишга тушиб кетардик. Телевизор у ёқда турсин, гугурт қутисидай келадиган радио ҳам саноқли хонадонлардагина бор эди. Битта эшак арава бутун маҳалланинг дастёригa айланган пайтларни эсласам, хўп чидаб яшаган эканмиз-да, деган хаёлга бораман. Кундалик югур-югурдан ортиб, бир зум дам ололмасдик. Бугун эса табиий газ билан ёнадиган ўчоғу тандирлар, электр чироқлар, қўш-қўш телевизорлар жонга ора киради. Қишлоқда енгил автомашинаси бўлмаган хонадон жуда кам. Куни кеча қўшнимиз, ўқитувчи Нафисахон кредитга компьютер сотиб олибди. Кичкинагина қутичанинг ичига дунёнинг мўъжизаси сиққанига сира ақлим бовар қилмайди. Замонамизнинг бошидан сув ўғириб ичсак, арзийди. Ҳукуматимиз ҳамиша оғиримизни енгиллатишга имкон ва шароит яратиб бермоқда. Бу ғамхўрликка фақат ҳалол меҳнат билан жавоб қайтариш керак бўлади, холос.

Кўпни кўрган аянинг гапларига изоҳни ортиқча деб билдик.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Вазирликлар, қўмиталар, ҳокимиятлар, таълим муассасалари, корхоналар, ташкилотлар, уюшмалар, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар, фермерлар ва тадбиркорлар диққатига!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2005-2006 ўқув йилида кундузги бакалавриат ва магистратура битирувчиларини сизни қизиқтирган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича иш жойларига тақсимлашни давом эттирмоқда. Сиздан буюртмаларингизни мазкур йилнинг 25 мартига қадар университетнинг маркетинг бўлимига юборишингизни сўраймиз.

ТДИУни 2005-2006 ўқув йилида давлат гранти ва тўлов-контракти асосида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида маълумотлар

№	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи	Жами		Битирувчининг қайси вилоятдан келганлиги:																											
				Тошкент ш.		Тошкент		Андижон		Фарғона		Наманган		Сирдарё		Жиззах		Самарқанд		Қашқадарё		Сурхондарё		Навоий		Бухоро		Хоразм		Қорақал. Рес.	
		грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт
	БАКАЛАВРИАТ																														
1	Касб таълими (ижтимоий-иқтисодий соҳа)	40	46	22	18	5	9		4	1			1				2	1	5	3	1		1	2		6	4		1		
2	Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича)	40	126	8	21	3	12	1	7	2	7	1	6	1	4	2	5	5	13	5	16	2	8	1	5	5	18	2	3	2	1
3	Банк иши	27	48	20	10	1	7	1	5		4		3		4		4	2	3	1	2		3	1	1	1			2		
4	Солиқлар ва солиққа тортиш	16	21	12	16	2	3			1					1				1									1			
5	Молия	14	29	2	8	2	4		1	1	1	1				3	1	1	5	2	4		1		2	1		1			2
6	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	24	37	17	20	3	5	1			1				2		1	1	2		1	1	2		1		1		2		
7	Менежмент (соҳалар бўйича)	18	39	6	14		3		2		3	1	2		1	1	2	1	3	2	2	2	2		2	3	2	2	1		
8	Маркетинг (тармоқлар бўйича)	26	38	13	16	3	5				2		1				1	2	2	2	2		3	2		4	4		2		
9	Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар	38	98	12	41	2	13	2	7	1	5	3	4	2	3	2	2	6	5		3	2	4	3	6	2	3	1	1		1
10	Бизнесни бошқариш	23	21	14	16		1			1				1		1					1		1		1	4	1	2			
11	Божхона иши	14	23	7	6	5	5				1							1	2	1			1		2		3				3
12	Туризм	7	22	5	18	1	1												1		1			1					1		
13	Сервис (турлари бўйича)	9	10	5	7		1														1	1				3	1				
14	Информатика ва ахборот технологияси	16	7	5	4	3	1								1	1		3		3	1							1			
15	Статистика	4	5		1					1	2									1	1					2			1		
	Жами бакалавриат бўйича:	**316**	**570**	**148**	**216**	**30**	**70**	**5**	**26**	**8**	**25**	**7**	**17**	**4**	**16**	**10**	**18**	**23**	**42**	**20**	**36**	**8**	**26**	**10**	**20**	**31**	**37**	**10**	**14**	**2**	**7**
	МАГИСТРАТУРА																														
1.	Иқтисодий назария	2	18		8	1	1										1		2		2		3					1	1		
2.	Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти	2	20	1	12		1		1								1	1	2		1				1				1		
3.	Минтақавий иқтисодиёт	11	31	4	8		4	1		4	4		2						3		3	1	4	1			3				
4.	Касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси	2	12	1	7	1	3								1				1												
5.	Давлат маблағларини бошқариш	5	18	1	7			1	1	1	1		1					1	2		1	1			2		2		1		
6.	Кредит	4	19	2	8		1				1				1				3		1		1		1	2			1		1
7.	Халқаро валюта-кредит муносабатлари	7	21	4	10		3				1		1						2	1						2	2				2
8.	Солиқлар ва солиққа тортиш	5	21	5	12								2		1				2		1		1						1		1
9.	Суғурта экспертизаси	1	9	1	4		5																								
10.	Аудит (тармоқлар бўйича)	3	21	2	10	1	2				2						1		1		1				2				1		1
11.	Иқтисодиётда ахборот тизимлари	3	12	3	10						1								1												
12.	Менежмент (соҳалар бўйича)	4	28	3	21	1	1		1				1						1						1		1		1		
13.	Ишлаб-чиқариш воситалари маркетинги ва тижорат	2	10	1	6		1				1							1					1				1				
14.	Маркетинг (соҳалар бўйича)	3	20	3	9												1		2		3				1		2		2		
15.	Халқаро савдо иши	3	13	2	11	1					1						1														
16.	Ташқи иқтисодий фаолият ҳисоби ва таҳлили	3	24	1	11										1	1	2	1	6		2								2		
17.	Халқаро иқтисодий муносабатлар	7	33	6	16		3		2		1	1	1		1				3		3		2						1		
18.	Халқаро бизнес		22		19										1												2				
19.	Бизнесни бошқариш	3	18	3	13		1										2				1						1				
20.	Божхона иши	3	15		11	2	1				1						1									1	1				
21.	Эконометрика ва статистика	3	11	3	2												3				3						3				
22.	Халқаро туризм менежменти	2	13	2	7		2		1												1								1		1
23.	Иқтисодий кибернетика	3	12	2	3						1		1			1					3		2				1				1
24.	Банк аудити	5	15	3	4	1	3		1										2		1	1	2				2				
	Жами магистратура бўйича:	**86**	**436**	**53**	**229**	**8**	**32**	**2**	**7**	**5**	**15**	**1**	**9**		**6**	**2**	**13**	**4**	**33**	**1**	**27**	**3**	**16**	**1**	**8**	**5**	**21**	**1**	**13**		**7**

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси ,49-уй, (Мўлжал "Киночилар уйи") 14 каватли бино, 3-қават, 3-09 хона, маркетинг бўлими. Тел./факс: 132-63-99, 132-60-03.

«DONG NAM MOTORS CO. LTD.»
официальный дистрибьютор
HYUNDAI MOTOR COMPANY
HYUNDAI Official Partner

Grandeur XG — в рассрочку на 6 месяцев
при наличии банковской гарантии.
Первый взнос — 60% от стоимости автомобиля.
Для юридических лиц.

г. Ташкент, пр. Афросиаб, 8.
Тел. (998-71) 152-17-24.
Тел./факс (998-71) 152-17-25.
e-mail: hdnuz@yahoo.com
www.uzbekistan.hyundai-motor.com

В РАССРОЧКУ

ПРЕДСТАВЛЯЕТ:
Sonata NF
Elantra
XG
Tucson
Santa Fe
Terracan
Coupe
Matrix
H-1
(Starex)

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги жамоаси ташқи ишлар вазири Э. М. Ғаниевга волидаи муҳтарамаси

Эмма ая ҒАНИЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбек Миллий Академик драма театри жамоаси театр актёри, Ўзбекистон халқ артисти

Турғун ХОНТЎРАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Миллий Олимпия Қўмитаси вице-президенти, икки карра олимпия чемпиони Вера Дуюновага турмуш ўртоғи

Анатолий ДУЮНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Маҳбуба Содиқовага волидаи муҳтарамаси

ҲАКИМА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академиясининг жамоаси биоорганик ва биологик кимё кафедраси профессори, кимё фанлари доктори А. Ж. Жўраевга падари бузруквори

МИРЖАЛИЛ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошев.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5